

**ЎРИҚДА КУРТАК ПАЙВАНДНИНГ ТУТИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА  
ЮҚОРИ СИФАТЛИ КЎЧАТ ЧИҚИШИГА ПАЙВАНД ҚИЛИШ МУДДАТИНИНГ  
ТАЪСИРИ.**

**Хомиджонов Абдумўмин Абдувоҳид ўғли** - таянч докторант

**Хомиджонова Ўлмасхон Азимжон қизи** - магистр

Тошкент давлат аграр университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7195694>

**Аннотация.** Мазкур мақолада ўрик кўчатларини куртак пайванд усулида етиштиришида уларнинг тутувчанлик даражасини оширишнинг мақбул муддатларини аниқлаш юзасидан олиб борилган тажриба натижалари келтирилган. Тажрибада пайванд қилинадиган ўрикнинг серхосил маҳаллий навларини куртакларини замонавий кучсиз ўсувчи пайвандтагларга ҳар хил муддатларда куртак пайванд қилиш усули синаб кўрилган. Бунда Миробалан пайвандтагига ўрикнинг Юбилейний Навоий, Субхони, Исфарак ва Оқ қандак навлари куртак пайванд қилинган. Кузатувларнинг кўрсатишича, вегетатив йўл билан кўпаядиган Миробалан пайвандтагларига куртак пайванд қилишнинг энг яхши муддати август ойининг иккинчи ўн кунлигидан сентябр ойи бошларигача бўлган муддатда (21-31/VIII) юзага келади. Мазкур муддат пайванд қилинганда кузги текиширувга қадар нобуд бўлган куртаклар миқдори энг кам бўлди. (8,7-10,4 %) Энг юқори тутувчанлик Субхони ва Исфарак навларида иккала пайвандтагда ҳам юқори бўлган қарийб 86% гача етган.

**Калит сўзлар:** ўрик, нав, пайвандтаг, пайвандуст, куртак, тутувчанлик муддат, кўчат.

**ВЛИЯНИЕ ВРЕМЕНИ ПРИВИВКИ НА СОХРАНЕНИЕ, РАЗВИТИЕ И  
КАЧЕСТВО САЖЕНЦЕВ АБРИКОСА.**

**Аннотация.** В данной статье представлены результаты проведенных опытов по определению оптимального периода для повышения уровня устойчивости сеянцев абрикоса при почковом способе прививки. В опыте апробирован способ прививки побегов плодоносных местных сортов привитого абрикоса на современные слаборастущие привои в разные сроки. В данном случае на подвои Миробалан были привиты сеянцы сортов абрикоса Юбилейный Навои, Субханы, Исфарак и Ак Кандак.

**Ключевые слова:** абрикос, сорт, подвой, привой, почка, срок, саженцы.

**EFFECT OF GRAVING TIME ON THE STORAGE, DEVELOPMENT AND  
QUALITY OF APRICOTS.**

**Abstract.** This article presents the results of the *Наблюдения* показывают, что наилучший период для прививки побегов к миробалановым черенкам, которые размножаются вегетативно, приходится на период со второй декады августа до начала сентября (21-31/VIII). Количество побегов, погибших до осеннего осмотра, было наименьшим при прививке в этот период (8,7-10,4 %). Наибольшая устойчивость достигала около 86 % у сортов Субханы и Исфарак, которая была высокой у обоих привоев. *experiments to determine the optimal period for increasing the level of resistance of apricot seedlings with the bud grafting method. In the experiment, a method was tested for grafting shoots of fruitful local varieties of grafted apricot on modern low-growing grafts at different times. In this case, seedlings of apricot varieties Yubileiny Navoi, Subkhany, Isfarak and Ak Kandak were grafted onto Mirobalan*

*rootstocks. Observations show that the best period for grafting shoots to myrobolan cuttings, which propagate vegetatively, falls on the period from the second decade of August to the beginning of September (21-31/VIII). The number of shoots that died before the autumn inspection was the smallest when grafted during this period (8.7-10.4%). The highest resistance reached about 86% in varieties Subkhani and Isfarak, which was high in both scions.*

**Keywords:** apricot, variety, rootstock, graft, bud, survival rate, term, seedlings.

**Кириш.** Республикамизда данак мевалилар етиштириладиган майдони ва ялпи ҳосили бўйича мамлакатимизда уруғ мевалилардан кейинги ўринда туради. Сўнги йилларда мевали боғлар кучсиз ўсувчи пайвандтагларга асосланган интенсив боғларга ўтказилмоқда. Бунинг учун кучсиз ўсувчи ўрик кўчатлари асосан хорижий давлатлардан келтирилмоқда.

Маълумки, ўрик кучли ўсувчи данак мева ҳисобланади. Унинг дарахтлари баландлиги кўпинча 10-12 м гача боради. Бу эса дарахтларни парваришлаш, касаллик ва зараркунандаларга қарши ишлов бериш, меваларини териш, кузги буташ каби агротехник тадбирларни қийинлаштириб юборади. Юқориги шохлардаги мевалар терилмай қолиб кетиши оқибатида ҳосилдорлик ҳам сезиларли даражада пасаяди.

Шу боис сўнги йилларда интенсив ўрик боғларини барпо этиш устида дунёнинг кўпгина мамлакатларида тадқиқотлар олиб борилмоқда ва бу борада тегишлича натижаларга ҳам эришилган [5]. Ўрик кўчатларининг кучсиз ўсишини таъминлаш учун ушбу ўсимликни янги турдаги Мироболан пайвандтагларига пайванд қилиш кенг оммалашди. Бироқ Ўзбекистонда бугунги кунга қадар ўрик учун Мироболан пайвандтагларини чуқур ўрганиш асосида уларни ишлаб чиқаришга тавсия этиш бўйича илмий тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган. Айниқса уларнинг пайванд муддатлари, пайвандтаг материалларини етиштириш агротехникалари ва бошқалар юзасидан илмий асосланган манбалар жуда ҳам камчиликни ташкил этади.

**Тадқиқот методикаси.** Юқорида келтирилган илмий фароздан келиб чиққан ҳолда ўрикнинг кучсиз ўсувчи Мироболан пайвандтагига ўрикнинг Юбилейний Навой, Субхони, Исфарак ва Оқ қандак навлари куртак пайванд қилишда пайванд қилиш муддатлари таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб бордик. Бунинг учун июл ойининг охириги 10 кунлиги, август ойида тўлиқ ва сентябрнинг биринчи 10 кунлигида пайвандуст куртаклар пайвандтаг пўстлоғининг “Т” симон ёриғига жойлаштирилди. Пайвандуст нав куртакларини пайвандтаг илдиз бўғзига куртак пайванд қилиш, уларнинг тутувчанлиги ва ривожланиши ҳамда тайёр кўчат чикишини кузатиш бўйича тажрибалар Х.Ч.Буриев, Н.Ш. Енилеев ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган “Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси” [2014] номли ҳамда бошқа соҳага оид

**Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси.** Ўрикни ёзги куртак пайванд қилиш муддати республикамизда умумий қабул қилинган технологик картага мувофиқ июл-август ойларида тавсия этилган. Бироқ, сўнги йилларда республикамизга хориждан келтирилган кучсиз ўсувчи пайвандтагларга куртак пайванд қилиш учун бу муддатлар самарали натижалар бермаслиги мумкин. Шу боис бундай муддатларни белгилаш пайвандтаг ўсимлик ва пайвандуст навнинг пайванд қилишдан олдинги физиологик ҳолати, уларнинг озуқа ва сув тартиби, тупроқ-иқлим шароитлари ва бошқалар ҳисобга

олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Ушбу омиллар орасида пайванд қилиш муддати энг муҳимларидан бири бўлиб, ўрикнинг қатор навлари ва пайвандтагида С.Я.Исламов [4], Рябушкин [5] каби олимлар томонидан бу борада қатор илмий асосланган натижалар олинган ва пайванд муддатлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Демак, ушбу олимларнинг фикрича, пайвандтаг ўсимлик ва пайвандуст нав новдалари камбий ҳужайраларининг физиологик ҳолати пайвандуст куртакнинг яхши тутишини таъминловчи муҳим омил бўлиши мумкин. Негаки вегетатив йўл билан кўпаядиган кучсиз ўсувчи пайвандтаг турларининг ўсиш кучига боғлиқ ҳолдаги физиологик фаоллиги билан пайванд қилинаётган нав новдаларининг фаоллиги ўртасида сезиларли фарқ бўлиши мумкин.

Ўрик ўсимлигида ҳам пайвандуст куртакларнинг тутиш сифатига пайванд муддатининг таъсири тўғрисидаги юқорида келтирилган фикрларни ўрганиш мақсадида беҳининг қатор кучсиз ўсувчи пайвандтагларига куртак пайвандни турли муддатларда амалга ошириш бўйича тадқиқотлар олиб бордик. Бунда куртак пайванд новдаларда шира ҳаракати фаол бўлган ва пўстлоқ ёғочликдан осон ажраладиган вақт – июл ойи охиридан сентябр ойининг учинчи ўн кунлигигача бўлган муддатларда амалга оширилди.

Ҳар хил муддатларда пайванд қилинган ўрикнинг пайвандуст куртакларини тутувчанлигини дастлабки аниқлаш (пайванд қилингандан кейин) шуни кўрсатдики, куртак пайвандни ўсимликларда физиологик фаоллик кучаймаган ва пўстлоқ яхши ажралмайдиган эртаги ёки бирқанча кечиккан муддатларда ўтказиш жами нобуд бўлган куртаклар миқдорининг ортиб кетишига олиб келади.

Кузатувларимиз шуни кўрсатдики, ўрикнинг қатор навларини вегетатив йўл билан кўпаядиган Мироболан пайвандтагларига куртак пайванд қилишнинг энг яхши муддати август ойининг иккинчи ўн кунлигидан сентябр ойи бошларигача бўлган муддатда (21-31/VIII) юзага келади. Мазкур муддат пайванд қилинганда кузги текширувга қадар нобуд бўлган куртаклар миқдори энг кам бўлди. Жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, пайвандуст куртакларнинг энг кам нобуд бўлиши кузги кузатувда 21-31/VIII муддатда пайванд қилинган вариантларда қайд этилди.

Жадвал

Куртак пайванд қилиш муддатига боғлиқ равишда ўрикнинг навлари куртагини

Мироболан пайвантагида тутувчанлиги (2019-2021 й.й.)

Куртак пайванд қилиш муддатлари	Кузги текширувга қадар нобуд бўлган куртаклар, %	Кузги-қишки даврда нобуд бўлган куртаклар, %	Жами нобуд бўлган куртаклар, %	Жами тутган куртаклар, %
Юбилейний Навоий				
20-31/VII	26,1	12,3	38,4	61,6
1-10/VIII	18,3	9,7	28,0	72,0
11-20/VIII	12,1	6,4	18,5	81,5
21-31/VIII	9,9	5,8	15,7	84,3
1-10/IX	18,1	11,0	29,1	70,9
ЭЖФ <sub>05</sub>				0,6
Исфарақ				

20-31/VII	20,1	10,1	30,2	69,8
1-10/VIII	12,3	7,1	19,4	80,6
11-20/VIII	9,6	4,3	13,9	86,1
21-31/VIII	8,7	4,5	13,2	86,8
1-10/IX	17,1	11,3	28,4	71,6
ЭКФ <sub>05</sub>				0,6
Субхони				
20-31/VII	22,1	10,3	32,4	67,6
1-10/VIII	18,2	7,3	25,5	74,5
11-20/VIII	9,7	5,9	15,6	84,4
21-31/VIII	8,9	5,7	14,6	85,4
1-10/IX	19,1	10,1	29,2	70,8
ЭКФ <sub>05</sub>				0,8
Оқ қандак				
20-31/VII	21,1	11,3	32,4	67,6
1-10/VIII	24,2	10,7	34,9	65,1
11-20/VIII	10,7	10,8	21,5	78,5
21-31/VIII	10,4	7,9	18,3	81,7
1-10/IX	21,3	9,9	31,2	68,8
ЭКФ <sub>05</sub>				0,7

Биобарин, ушбу муддатда пайванд қилинганда дастлабки нобуд бўлган куртаклар миқдори “Юбилейний Навоий” навида 9,9 %, “Исфарақ” навида 8,7 %, “Субхони” навида 8,9 %, “Оқ қандак” навида 10,4 %, атрофида бўлди.

Кучсиз ўсувчи Мироболан пайвандтағларига ўрикнинг маҳаллий серхосил навларини куртак пайванд қилишни мазкур муддатдан эртароқ бошлаш ёки аксинча кечиктириш пайвандуст куртакларнинг тутувчанлигини сезиларли пасайиб кетишига олиб келади.

Масалан ўрикнинг Юбилейний Навоий навида куртак пайвандни ушбу муддатдан эрта бошлашда (1, 2 ва 3-муддатлар) пайванд қилинган куртакларнинг тутувчанлиги 62% дан 82% гача оралиқда бўлган бўлса, пайванд кечиктирилганда (1-10/IX) эса ушбу кўрсаткич 71% ни ташкил этди.

Куртак пайванд қилиш муддати пайвандуст куртакларнинг қишлаб чиқиш сифатига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди, бунда ҳам қишки тиним даври тугагандан сўнг сақланиб қолган куртакларнинг миқдори куртак пайванд эртаги муддатларда ўтказилган ёки аксинча кеч пайванд қилинган вариантларда паст кўрсаткичлар қайд этилди.

Қиш даврида сақланиб қолган куртаклар миқдори бўйича ҳам тўртинчи муддат, яъни пайвандни 21-31/VIII саналарида ўтказиш устунлик намоён этди. Кўриниб турибдики, пайвандуст куртакларнинг кузги ва қишки нобуд бўлиши уларнинг умумий тутувчанлигининг фарқланишида айниқса яққол ифодаланди. Биобарин, куртак пайванд қилиш энг қулай даврда (21-31/VIII) ўтказилганда жами тутган куртаклар миқдори пайвандтағ турлари бўйича қуйидаги кўрсаткичларда бўлди: “Юбилейний Навоий” навида 84,3 %, “Исфарақ” навида 86,8 %, “Субхони” навида 85,4 %, “Оқ қандак” навида 81,7 %.

Ушбу тажриба вариантыга бирмунча яқин кўрсаткичлар куртак пайвандни август ойининг иккинчи ўн кунлигида ўтказишда ҳам қайд этилди ва бунда Мироболан пайвандтаги бўйича пайвандуст куртакларнинг тутувчанлик даражаси 78-86% оралиғида ўзгарди.

**Хулоса.** Куртак пайванд муддатини ушбу даврдан анча эрта бошлаш пайвандуст куртакларнинг тутувчанлигига ҳам, уларнинг кузги-кишки даврдаги ноқулай шароитларда сақланувчанлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, нобуд бўлувчи куртаклар сони куртак пайванд кечиккан эмас, балки жуда эрта ўтказилган вариантларда юқори бўлди.

Куртак пайванд муддатлари бўйича ўтказилган тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатдики, куртак пайванд қилиш муддати пайвандуст нав куртагининг пайвандтаг ўсимлиги билан яхши бирикиши ва наводор кўчатларнинг чиқиши микдорига сезиларли даражада таъсир кўрсатди.

## REFERENCES

1. Буриев Х.Ч., Енилеев Н.Ш. – Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси. – Т.: ТошДАУ, 2014. – Б. 25-28.
2. Каричев К.Г. Вегетативно-размножаемые подвой и технология выращивания чистосортного посадочного материала плодовых культур // Методы ускоренного размножения плодовых, ягодных культур и винограда. – Алма-Ата. – 1977. – С. 50-51.
3. Методические рекомендации по экономической оценке результатов агротехнических исследований в садоводстве и плодовом питомниководстве / Под ред. А.М. Шестопаля. – Киев, 1985. – 65 с.
4. Исламов С.Я. Олманинг (Malus Mill) клон пайвандтагарида интенсив боғдорчилик учун сертификатланган кўчат етиштириш технологиясининг илмий асослари. Қишлоқ хўжалиги фанлари док. дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – Б. 5-27.
5. Рябушкин Ю.Б. Размножение клоновых подвоев и выращивание саженцев плодовых культур в условиях нижнего Поволжья. Автореф. док. дисс. с.-х. наук. – Мичуринск, 2003. – С. 3-25